

Байрамхон (асл исми Мухаммад Байрамхон ибн Сайф Алибек) (1500/05-1591) — бобурийлар даври сиёсий арбобларидан, шоир. Акбаржон оталиги. Туркманларнинг кора кўюнли уругидан. Ёшлигида Бадахшонда бобурийлар хизматига киради. 1534 йили мухрдорлик мансабига тайинланади. 1540 йили Шершоҳ исёни сабабли Хумоюн билан Эронга кетади ва 1545 йили Хумоюннинг инилари Мирзо Аскарӣй ва Комронлардан Кандахор ҳамда Кобулни қайтариб олиш учун қилинган урушда қатнашади. Байрамхон шундан сўнг 10 йилча Кандахорда яшайди ва бадий ижод билан шугулланади. 1555 йили «Хони хонон» (бош хон) унвонига сазовор бўлади. Байрамхон ҳажга кетаётиб Гужаротнинг Паттон деган жойига етганда лохани уругидан бўлмиш Муборакхон томонидан ўлдирилиб, дастлаб Шайх Хусомиддин макбарасига дафн этилган, кейинчалик унинг хоки Дехлига, 1563 йилда эса Машхадга келтирилиб, Имом Ризо макбараси ёнига қўйилган. Байрамхоннинг туркий, форсий тиллардаги шеърларидан иборат девони бизгача етиб келган.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Етмасун осеби таб сарви хиромоним санга,
Эсмасун боди хазон гулбарги хандоним санга.

Бошингга эвр улса жони нотавоним не ажаб,
Чун тилайдур садқа бўлмок нотавон жоним санга.

Йўқтурур, биллах, малолинг эшитурга токатим,
Етмасун ногах малолангиз афгоним санга.

То сени бетоб эшиттим бас паришон холмен,
Ваҳки, зохир бўлмади холи паришоним санга.

Хар жафо бўлса мени бетобга бўлсун насиб,
Йўқтурур тоби жафо хуршиди тобоним санга.

Лабларинг васфида Байрам шеъридур оби хаёт,
Сиххати берсун илохи оби хайвоним санга.

* * *

Фигонки, ёр манга ёр бўлмади харгиз,
Аниси хотири афгор бўлмади харгиз.

Кичик ёшида гирифторлар гамин не билур
Ки, ҳеч гамга гирифтор бўлмади харгиз.

Не айб фориғ агар бўлса зорлар гамидин,
Биров фирокида чун зор бўлмади харгиз.

Манга мухолифат изхори килмаким, мендин,
Бажуз мувофикат изхор бўлмади харгиз.

Не умрдур буки Байрам жафо чекиб умре,
Иноятингга сазовор бўлмади харгиз.

* * *

Эй кўнгул, муждаким, ул сарви хиромон келадур,
Янги бошдин тани афсурдам аро жон келадур.

Яна кўзум учадур шодлиғ ашкини тўкуб,
Магар ул мардумаки дийдаи гирён келадур...

Яна тан шаҳрида ойини ажабдурки, бу кун,
Улки бор эрди кўнгул мулкида султон келадур.

Гарчи кўп дард чекиб ўлгани етдим гамидин,
Шукрлиллаҳки, бори дардима дармон келадур.

Сийна хилватгахини холи этинг, жону кўнгул
Ки, бу манзилга букун ўзгача меҳмон келадур.

Кўзларим хар нафасе телмурадур йўлга боккб,
То хабар келдиким, ул хусрави хубон келадур.

Лек толеъ йўкидин хар нечаким пайки сабо
Югуруб, мужда бериб чин деса, ёлгон келадур.

Байрамо, солма кўнгул хажри паришонлигиднн,
Билки, жамъияти дилхойи паришон келадур.

* * *

Ёшил либос аро ул сарви гулузорни кўр,
Кўнгул очилгудек ул дилкушо бахорни кўр.

Либосин этти ёшил сарви лоларухсорим,
Бахор мавсумида турфа лолазории кўр.

Гул узра сунбули сероб кўрмаган бўлсанг,
Юзида тер ичида зулфи мушкборни кўр.

Гахи карор топар бекарор ишк, вале .
Карор топмади харгиз бу бекарорни кўр.

Агарчи зору гирифтор кўптурур, Байрам,
Ажаб балога гирифтордур бу зорни кўр.

* * *

Сарвеки, лутф богида нозук ниhoли бор,
Нозук ниhoлининг не бало эътидоли бор.

Кадди била белини тахайюл килур кўнгул,
Нозук хаёли бор уни, нозук хаёли бор.

Гулнингки, юз тажаммули бор хусн богида,
Ул гулни кўргали юзидин инфилоли бор.

Дедимки, «Бизга бокмогининг эхтимоли йўк»,
Бокиб табассум айладиким: «Эхтимоли бор».

Байрамки, хурдабинлиг аро мўшикоф эрур,
Огзи била бели сўзида кийлу коли бор.

* * *

Ёрсиз жонимни олгон меҳнати хижрон эмиш,
Меҳнати хижрон демангларким, балойи жон эмиш.

Ханжаринг шавки, юзунг меҳрию лаълинг хажридин,
Кўкраким чоку юрак юз пора, багрим кон эмиш.

Ком лаълингдин висол айёмида душвор эди,
Йўкса жон бермак фирокинг шомида осон эмиш.

Не балодурким, халосим йўк замоне хажридин,
Кисматим гўё азалдин меҳнати хижрон эмиш.

Бесару сомон дебон Байрамни, эй носих анга,
Панд берма, кимга парвойи сару сомон эмиш.

* * *

Килмагил, эй шўхи саркаш мунча бепарвойлиг,
Бир менинг раъйим била бул табакай худройлиг.

Гам туни кон йигларимнинг меҳнатин кўнглум билур,

Гарчи кўзумга кўрунмас мунча хунполойлиг.

Етмагай харгиз такаллумда лаби жонбахшига,
Хар неча килса Масих алфози рухафзойлиг.

Юз била зулфи хавосидек фарахбахш ўлмагай,
Нечаким килгай насими субх анбарсойлиг.

Токи тугди ахтари давлат саодат буржидин,
Килмади бир кавкаб ул ойдек жахонройлиг.

Чун топилмас бир гули бехор олам богида,
Богбонлар токай этгайлар чаманпиройлиг.

Демагил Байрамки, бепарводур ул султони хусн,
Подшахдур, не ажаб гар килса бепарвойлиг.

* * *

Кошингга тушгали, эй сарви гулузор, сочинг,
Мени ел эсганидек килди бекарор сочинг.

Фироки ёр туни бўлди субхи равшани васл,
Турарда тушгали юзунгга тор-тор сочинг.

Очилса нофа юки мушк иси тогилгондек,
Муаттар айлади оламни мушкбор сочинг,

Май ичра оби хаёт айлади нихон огзинг,
Гул узра сунбули тар килди ошкор сочинг.

Асирн ишкинг эмас ўзлуки била Байрам,
Солибтур они бу савдога, эй нигор, сочинг.

* * *

То либосинг гайр кони бирла гулгун айладинг,
Кон тўкардин кўзларимни гаркаи хун айладинг.

Кийгали сиймин танинг узра кизил тўн, эй куёш,
Кўз баёзин кон ёшим бирла шафакгун айладинг.

Оташин гулгуналик тўн бирла гулгунунг миниб,
Ўт ёлиндек билдуруб шўрумни афзун айладинг.

Кўрсатиб юз, жон била кўнглумга кўйдинг доги ишк,

Ўртадинг кўнглумнию жонимни мамнун айладинг.

Байрамо, зулфи йилонига фусундин не осиг,
Чунки мухликрог бўлур хар неча афсун айладинг.

* * *

Харгиз мени тараххум ила ёд килмадинг,
Махзун кўнгулни кайгудин озод килмадинг.

Дард ахлидек мулохазаи хотирим килиб,
Кўнглимни бир иноят ила шод килмадинг.

Очилмади юзунг гулидин гунчадек кўнгул
Ким, хажр сарсари била барбод килмадинг

Оламда лафзи бесанаде ҳеч колмади
Ким, ишк элига ани иснод килмадинг.

Хар лахза юз иморати хотир килиб хароб,
Харгиз бинойи мархамат обод килмадинг.

Бас кил, йўк эрса тонглаки инсоф вақтидур,
Фарёд айлагайменки, не бедод килмадинг?

Байрам, не сўздурурки сени ёд килмагай,
Гар ёд айладинг ани фарёд килмадинг.

* * *

Айлаб шиор шеваи бедод кўзларинг,
Оламни катл айлади жаллод кўзларинг.

Ислом кишварида барафтод айлади,
Ойини адлу коидаи дод кўзларинг.

Етмас эди бурунги балосики, гамзадин
Касб айлади тарикаи бедод кўзларинг.

Ахли хузур хотирини сайд килдилар,
Сайёдлик тарикида устод кўзларинг.

Бўлди якин зухури киёматки, бўлдилар,*-
Ики гизол экач ики сайёд кўзларинг.

Хуш ул замонки, бир назари мархамат била,

Килгон кўнгулни кайгудин озод кўзларинг.

Чун тарк айлади назари лутф одатин,
Байрамни килди гам била муътод кўзларинг,

* * *

Эй жафожў гайр бирла ошнолик килмагил,
Ошно бўлган ёронлардин жудолик килмагил.

Ошнолиг яхшидур, лекин ямондур эл тили,
Тилга тушган халк бирла ошнолиг килмагил.

Бевафолиг гарчи хусн ахлига расмедур кадим,
Сен уларга ўхшамассен, бевафолиг килмагил.

Беадоликдур вафо тарк айламак хусн ахлига,
Бевафолик таркин айла, беадолик килмагил.

Байрамо, чун эътиборинг йўктурур ёр олида,
Кўрсатиб анга ўзунгни худнамолик килмагил.

* * *

Эй сарв, шамъи мажлйси агёр бўлмагил,
В-эй гул, рафики хар хасу хар хор бўлмагил.

Агёр бирла хамдам ўлуб жоним ўртадинг,
Тенгри учунки, хамдами агёр бўлмагил.

Мен худ гамингда зор бўлубмен худой учун,
Сен бир сари бу навъ дилозор бўлмагил.

Йўктур парирухеки, анинг зори бўлмагай,
Сен хам манга назар килу безор бўлмагил.

Байрам, чу билдинг эмди гирифторлик гамин,
Мундин нори кишига гирифтор бўлмагил.

* * *

Йўктурур олам аро ишк ахлидек бадном эл,
Ком топмай дўстдин, халк ичра душманком эл.

Гох базми айши даврон офатидин кўзголиб,
Гох субхи васли хижрон зулматидин шом эл.

Гох куюндек гам биёбонида саргардон бўлуб,
Топмагон бир дам карору кўрмаган ором эл.

Гох Мажнундек жунун ифротидин беҳуд бўлуб,
Хотирига етмаган оғоз ила анжом эл.

Гох касрат вахшати ифротидин девонавор,
Халк аро зохир килиб хам куфру хам ислом эл.

Гох вахдат бодасин тортиб иродат жомидин,
Юз туман Жамшидга жом айлаган инъом эл.

Ишк элидин масту беҳудлук ажаб йўқтурки, боз
Шавк базмида сипехр акдохин этган жом эл.

Неча бул Байрам кишига ишк ўти сўзин дема,
Ким бу ўтга куйганингни бовар этмас хом эл.

* * *

Либосин этгали ул сарви хуш хиром кизил,
Кўзумни айлади кон ёш била тамом кизил.

Парирухум яна конлиг кўзумда килди маком
Ки, хусн ахлига зебодурур маком кизил.

Мудом орази рангинлиги чоғирдин эмас
Ки, хеч юзни бу ранг айламас мудом кизил.

Агарчи хусн элидур жомдин кизил юзлук,
Эрур хамиша юзунг акси бирла жом кизил.

Билиб сипехр гамим кон ёшин тўқар, Байрам,
Шафак эмаски, эрур хар намозшом кизил.

* * *

Хар неча, эй бевафо, васлингга лойик бўлмасам,
Ишк ахли бўлмайин ишкингда содик бўлмасам.

Топмайин сендин муроде эътикодим бўлмаса,
Сен манга бўлгил муҳолиф гар мувофик бўлмасам.

Ишк олам кайдидин бўлди халосимга сабаб,
Неткай эрдим мунча меҳнат бирла ошиқ бўлмасам.

Кўйки, Байрамдек йирокдин жилваи хуснунг кўрай,
Хар неча, эй бевафо, васлингга лойик бўлмасам.

* * *

Яна кўзи гамидин нотавондурур кўнглум,
Рафику хамдами оху фигондурур кўнглум.

Агарчи жазм эмас ваъдага вафо килури,
Вафога ваъда килурдин хушондурур кўнглум.

Наво чу топти ушшок ичра Мажнунга,
Жунун макомида хам дostonдурур кўнглум...

Тараххум айлаки, Байрамдек элсифат кўпдин,
Сени тилаб неча бехонумондурур кўнглум.

* * *

Эй чамани жон аро сарви хиромонгинам,
Умр гулистонида гунчаи хандонгинам.

Кўзга мани илмаган, бир назаре килмаган,
Кўнглум олиб билмаган дилбари нодонгинам.

Хам ўзи яхшигина, хам кўзи яхшигина,
Хам сўзи яхшигина ёри сухандонгинам.

Эй юзи гул-гулгина, в-эй сочи сунбулгина,
Килма тагофулгина, бўлма пушаймонгинам.

Эй кади чобукгина, в-эй лаби нозукгина,
В-эй сўзи ўтрукгина, ваъдаси ёлгонгинам,-

Воситаи давлати васлинг агар бўлмаеа,
Мехнати хижрон аро чиккусидур жонгинам.

* * *

Мунтазири висол эдим, бедилу бекарор хам,
Рахмки, эмди колмади токати интизор хам.

Бир эмасу икки эмас мехнати хажру бори дил,
Мехнатима хисоб йўк, дардима йўк шумор хам.

Хар кўнгулеки, бор эди мехнату гамга ёр эди,

Юз алам ихтиёр эди, колмади ихтиёр хам.

Рухни булбулунг килур, жонни даги кулунг килур,
Чехрани гулгунунг килур, турраи тотор хам.

Хар киши ишкибоздурур, хоки рахи ниёздурур,
Ишк ила сарфароздурур Байрами хоксор хам.

* * *

Не деб, эй нозанин, менднн малолинг бор, билмасмен,
Недин, ёраб, етибтур кўнглунга озор, билмасмен.

Малолинг зохиру билмай сабаб жон етти огзима,
Нечук жон злтайин гар килмасанг изхор, билмасмен.

Кириб душман сўзига дўст билмайсен мени, лекин,
Худо хозирдурур мен сендин ўзга ёр билмасмен.

Не килдим, не хато вокеъ бўлбтур, вах, не сўз дебмен,
Ки, сўз котмас манга ул лаъли шаккарбор, билмасмен.

Хавас килдим ани туш кўрмак, аммо тушда кўргаймен,
Чу харгиз тушда хам бахтим кўзин бедор билмасмен.

Не тонг гар гайр бирла хамдам ўлса ул гули раъно,
Жахон боги аро чун бир гули бехор билмасмен.

Бу катла бир парининг ишкидин кўп зорсен, Байрам,
Сени харгиз биров ишкида мундок зор билмасмен.

* * *

Фигонимдин кулок огрибмудур ороми жонимга,
Йўк эрса не учун, ёраб, кулок солмас фигонимга.

Кулоги огригон ташвишидин озурдадур жоним,
Бериб сиххат, илохи, рахм кил озурда жонимга.

Бировким ошкоро нолалар килсам кулог солмас,
Не турлук, ёраб, ўлгай мустамеъ дарди нихонимга.

Якин билганда гофил бўлмасини зори ноламдин,
Кулоги огриги келмас эди харгиз гумонимга.

Эшитмасдин бурун, вах, не учун кар бўлмадим, ёраб,

Эшитгунча кулог огригини сарви равонимга.

Кўнгулдинким, кўнгулга йўлдурур, дерлар, галат эрмиш
Ки, мехрим хеч таъсир этмади номехрибонимга.

Отимни ёр билмай, гайрдин истар нишон Байрам,
Не ному не нишон, рахмат менинг ному нишонимга.

* * *

Кўрунур гулгун пар ул сарви хиромон бошида,
Ёнма-ёндурур шафак хуршиди тобон бошида.

Ё тулуъ этган куёшедур Масихо ушнида,
Ё канот ёйгон тазарведур Сулаймон бошида.

Комати шамъи шабистонимдуру, гулгун пари —
Шуълаедур гўйиё шамъи шабистон бошида.

Санчибон пар жилва бер рахшингга майдон сориким,
Сен келурсен деб, кўзум тўрт ўлди майдон бошида.

Кадду рафторингга кўнглум онча мойил борким,
Йўк хавойи жилваи сарви хиромон бошида.

Кам эмас бир дам хаёли шеър Байрам бошидин,
Кўргали шеърини ул шохи сухандон бошида.

* * *

Кўзум учадур то кўра олгай асар андин,
Кўнглум ўсадурким, ола олгай хабар андин.

Вахким, назарим ўтрусида жилвагар эрмас.
Улким, кўтара олмас эдим бир назар андин.

Лаъли ўти гулгуна сиришкимни килур тез,
Зохир бўладур катрае хуни жигар андин.

Бунёди бало килмади тўфони сиришким,
Ким ер ила кўк бўлмади зеру забар андин.

Байрамки, сўрог айлар эди огзи нишони,
Лаълини сўруб бўлди сўзи мухтасар андин.

* * *

Эй бехабарим, хох инон, хох инонма,
Куйди жигарим, хох инон, хох инонма.

Гарчи гузаринг йүк манга, биллахки, сендин
Йүктур гузарим, хох инон, хох инонма.

Юз фитна кўзу зулфунг аро чин топилибтур,
Эй фитнагарим, хох инон, хох инонма.

Сен бўлгали манзур маху мехрга харгиз —*
Тушмас назарим, хох инон, хох инонма.

Сендин хабарим бўлгали, хаккоки, ўзимдин
Йүкдур хабарим, хох инон, хох инонма.

Йүк сенча киши севгулук эл ичраки, йүктур
Сендек севарим, хох инон, хох инонма.

Байрам киби яксон кечадур зулфу юзунгдин
Шому сахарим, хох инон, хох инонма.

* * *

Хар сўзки гаразгў деса, эй ёр, инонма,
Арбоби гараз сўзига зинхор инонма.

Гар етса зохир киладур ишкини элга,
Биллах, кишига килмадим изхор, инонма.

Хар дам санга юз сўз мени махрумдин айтиб,
Хар сўзда анинг юз гарази бор, инонма.

Биллахки, агёр сўзи барча гараздур,
Мендин санга бир сўз деса агёр, инонма.

Хар неча жафо кўрса вафо тарки килурму,
Байрамки билур ўзни вафодор, инонма.

* * *

Азбаски мехринг озлигидин бекарормен,
Хар лахза оху нолада беихтиёрмен.

Мен зори бекарорга рахм этки, муттасил,
Ишкинга бекарору фирокинга зормен.

Мискину, хоксору гарибига рахми йўк,
Мискин мену гарибге мену хоксормен.

Боримда бар хотир эмас гайр таънаси,
Чун хар не айтадур мени, юз онча бормен.

Доим жунуну халк аро Мажнунча шухратим,
Расволигим не айбки, девонавормен.

Куллука гарчи маъсиятим баркамолдур,
Аммо камол авжидин умидвормен.

Байрам жахонда хеч кишига кўймон эътибор,
Топсам хабиб хазратида эътибор мен.

* * *

Парирухо, яна кайга хаво килиб борасен
Ки, телбаларни ажаб бенаво килиб борасен,

Фигонки, ўк киби ташлаб йирок висолингдин,
Фирок илкида кадимни ё килиб борасен.

Кўнгул синуктуру, йўк токати жафо лекин,
Шикаста кўнглума, жоно, жафо килиб борасен.

Висол давлатидин айириб мени, вахким^
Фирок мехнатида мубтало килиб борасен.

Вафолиг эл аро мен зорни согинса бўлур,
Чу итларингга мени ошно килиб борасен.

Сафойи мажлиси ишрат сеньнг хузуринг эди,
Хузур мажлисини бесафо килиб борасен.

Мени бу мехнат аро норизо кўюб бординг,
Вале ракибни ўздин ризо килиб борасен.

Бу тавр килмагил, эй гул, вафо тарики эмас
Ки, булбулунгни асири бало килиб борасен.

Бориб нигорингу юз сўз ила колиб Байрам,
Фирок хиркатидин ўтга ёкилиб борасен.

* * *

Эйким, хамиша дарду гамингдин халокмен,
Дардинг эшитгали не бало дарднокмен.

Гах ханжари фирокинг ила дилафгор ўлуб,
Гах тиги иштиёкинг ила сийначокмен.

Гохи килиб хавойи висолинг, топиб хаёт,
Гохи чекиб жафойи фирокинг, халокмен.

Гах кахр ила гудохтаи поки ишкмен,
Гах лутф ила навохтаи ишки пок мен.

Байрам не тил била анга жоним фидо демай,
Юз тил била чу койили рухи фидок мен.

* * *

Бодаиким ичтим ул шўхи ситамкор илкидин,
То хаётим бордурур кайфиятим бор илкидин.

Илкима олиб аёг бордим иликдин бир йўли,
Ботрог ич деб, чун ишорат килди изхор илкидин.

Шиша янглиг кон тўкуб, согар киби кондур ичим,
То ўлибтур шишау согар намудор илкидин.

Кўрмайин илкига хар дам эл кўзи тушмакни деб,
Бордурур конлиг кўзум пайваста хунбор илкидин,

Масти лоякил бўлур эрмиш тамоми умрида,
Бсдиликим, журъае нўга этса дилдор илкидин.

На, нечук мен умрлар маст ўлмайин, эй дўстлар,
Ким, ичибмен майлар ул шўхи жафокор илкидин.

Байрам, ул давр ўттию ўлтурди бу хасрат мени
Ким, яна бир журъае нўш этмадим ёр илкидин.

* * *

Хуш улким, сарви нозим рахм килгай бенаволарга,
Нечукким, подшоҳлар мархамат айлар гадоларга.

Агар ул шохи хўбон лутф ила бўлса харидорим,
Гадойименки, истигно сотармен подшоҳларга...

Дамеким, ноз ила икки лаби васфин адо килгай,
Масихо бўлса хам жон бергай ул нозик адоларга.

Балолардур манга ул кўз била зулфу каду кокил,
Балолиг кўз эдиким, учрадим мундог балоларга.

Юзин кўрсаттию кўнглум олиб ёшурди рухсорин
Ки, мундин сўнг кўнгулни бермагаймен дилраболарга,

Гадойи бенаводур Байраму йўлингда хок ўлгон,
Тарики меҳр ила гоми гузар кил бенаволарга.

* * *

Нигоро, бир йўли мен зордин безорлик килма,
Мени махрум этиб агёр бирла ёрлик килма.

Кўнгул бердим санга дилдор деб тенгри учун, эй гул,
Менинг кўнглум олиб агёрга дилдорлик килма.

Кадимий кулларинг берахлигидин нечаким бўлмиш
Муборак хотиринг озорлик, безорлик килма.

Мен ул гул ишкидин конлар ютуб розимни фош этмон,
Сен, эй кўз, дам-бадам ифшо учун хунборлик килма.

Ракибо, хотирим озурдадур хижрон харошидин,
Дурушт айтиб мени огритма, нохамворлик килма.

Тилаб дилдорни зори килурсен мендек, эй Байрам,
Бузугдур хотирим, тенгри учун бу зорлик килма.

* * *

Жон топти эътидол кадингдек нихолдин,
Ёраб, тажовуз айламасун эътидолдин.

Ул бел тахайюлида хаёли бўлуб кўнгул,
Анинг хаёли чикмади харгиз хаёлдин.

Хар кимки, баиду курб хижобини кнлди рафъ,
Гамгину шод бўлмади хажру висолдин.

Килсанг жамоли шохиди гайби кўрарга жаҳд,
Жаҳд ила мункатеъ бўлакўр жоху молдин.

Байрам, хабиб килмади холингга нлтифот,
Бўлгайму хеч хол ямонрог бу холдин.

* * *

Неча, эй гул, висолинг базмидин махрум бўлгаймен,
Тнлармен тенгридинким, бир йўли маъдум бўлгаймен.

Гулистони жамолинг бирла эл масрур, вах, токай
Мени махзун маломат кунжида магмум бўлгаймен?

Мен эрдим махраму агёр махрум эрдилар, жоно,
Бўлуб агёр махрам, мен не деб махрум бўлгаймен?

Вафога от чикардим кўп жафо тортиб, зихи, давлат
Ки, ахли ишк аро бу исмга мавсум бўлгаймен.

Басе гамлар кўруб, жонлар чекиб мажхулмен, Байрам,
Магар жон топшуруб ёр олида маълум бўлгаймен.

* * *

Дардоки, ёр сўрмади мен хаста холини,
Харгиз эшитмадим фарахафзо саволини.

Кўнглум мараз хароратидин музтариб дурур,
Ёхуд тилайдур ул лаби майгун зулолини.

Армонда ўлдум, ох, не бўлгай эди агар,
Бир катла кўрсам эрди муборак жамолини.

Васл эхtimoли бўлмаганидин топар эдим,
Хар лахза хотиримда ўлум эхtimoлини.

Гар бир бало мараздин эди зор жисмима,
Жонимга юз бало эди, топмай висолини.

Бас, мушкил эрди бу мараз ичра тирилмагим,
Гар сўргали юбормаса эрди хаёлини.

Байрам, фирокинг ичра маризу малулдур,
Хуш улки, дафъ килса висолинг малолини.

* * *

Ул шўх дарди боиси килдинг газандни,

Куйдурдунг, эй сипехр, мени дардмандни.

Тан мижарида хаста кўнгул пора-пора, бас,
Дафъи газанд учун нетай ўзга сипандни.

Ул кадки, хусн гулшанида бўлди сарфароз,
Лутф ичра паст айлади сарви баландни...

Байрам камоли машраб эрур, тарки тавба кил,
Топсанг хариф бир неча ёри лавандни.

* * *

Жони шириним у лаъли нуктадонинг садкаси,
Вах, не бир жон, балки юз жон бўлса онинг садкаси

Сен даги бир нўшлаб ишкида мендек зорсен,
Зор кўнглумга тараххум айла жонинг еадкаси.

Дединг, эврулма бошимгаким, равон мен телбага,
Сен равон бўл, мен бўлай сарви равонинг садцаси.

Хам Хизр суйи лаби жонбахшингга бўлсун фидо,
Хам Масих анфоси жонбахш баёнинг садкаси.

Байрам, ўлма талхком ар жони ширин бўлмаса,
Жони ширининг, бути ширин забонинг садкаси.

* * *

Неча хижрон гамидин нолаю фарёд килай?
Хосили умрни фарёд ила барбод килай?

Неча кўз лавхида тасвир этибон суратини,
Дам-бадам хотир анинг кўрмокидин шод килай?

Неча васлини тилаб хажрида хурсанд бўлай,
Неча уммиди била жонима бедод килай?

Неча гурбат аро бекаслик ўти бирла куюб,
Мотамийлар киби ўз холима фарёд килай?

Неча жонимга согинмаслигининг ўт тушубон,
Они бесабрлигимдин куюнуб ёд килай?

Неча ишкида бузуб сабру саломат ватанин,

Неча андуху маломат уйин обод килай?

Неча зулфига гирифтор бўлуб зор бўлай?
Келки, ўзни бу бало кайдидин озод килай?

Байрамо, ёр вафо расмига муътод эмас,
Эмди жонимни жафоси била муътод килай?

* * *

Ер дарди жони беморимда бўлгай кошки,
Жисми озори тани зоримда бўлгай кошки.

Гул юзин кўргунча ранж осебидин бетоби ранг,
Юз тикан бу чашми хунборимда бўлгай кошки.

Захматиким ундадур, кош ул манга бўлгай насиб,
Сиххатиким мендадур, ёримда бўлгай кошки.

Лаъли жон бахшини бир табхола мажрух эткуча,
Юз жарохат жони афгоримда бўлгай кошки.

Анда бўлгон дард бўлгай менда, лекин дарди ишк —
Андаке ёри жафокоримда бўлгай кошки.

Байрам ул ойнинг хар озори хаётедур манга,
То тирикмен банди озоримда бўлгай кошки.

РУБОИЙЛАР

* * *

Байрамга базе гариблик кор этти,
Гурбат ани хору зору бемор этти.
Ёрабки, балоларга гирифтор ўлсун,
Хар кимки ани гамга гирифтор этти.

* * *

Кўз равшани, ёри дилситоним борадур,
Жон гулшанидин сарви равоним борадур,
Бу хаста агар колди анинг куллугидин,
Сен колмагил, эй кўнгулки, жоним борадур.

* * *

Базминги, нигорхонаи Чин ўлгай,
Анда тарабу нишот ойн ўлгай.
Мажлис бегиу гайрга юз басту нишот,
Не важх ила Мир бастаи гамгин ўлгай.

* * *

Жўяндаи айшу инбисотингдурмен,
Хохони фарогату нишотингдурмен.
Сен мухталит ўлмадинг, йўк эрса мен зор,
Биллаҳки, хароби ихтилотингдурмен.

* * *

Не дин гамидин даме паришондурмен,
Не куфр хужумидин харосондурмен.
Бутхонау масжид манга яксон кўрунур,
Гўёки, не кофир, не мусулмондурмен.

* * *

Сен боргали кам эмасдур, эй тоза ниҳол,
Кўзда наму, хотирда гаму, жонда малол.
Бу хол била бўлмаса уммиди висол,
Ёрабки, не бўлгай эди мен хастага хол?!

* * *

Аввал мени хидматингга махрам килдинг,
Базминг аро хамзабону хамдам килдинг,
Охир яна илтифотни кам килдинг,
Расвойи тамоми аҳли олам килдинг.

* * *

То чанд гамингда изтироб этгаймен,
Хажр ўтида багримни кабоб этгаймен.
Хатингни кўруб чу колмади хуш манга,
Маълумки, не навъ жавоб этгаймен.

* * *

Хам хутба забонингга муайян бўлсун,
Хам секка отинг била музайян бўлсун.
То зулмату нур бўлгуси, жумла жаҳон —
Хуршеди жамолинг била равшан бўлсун.

* * *

Хажрингни хаёл килмок мушкил,
Сендин талаби висол килмок мушкил.
Холимни санга арз килсам дейдурмен,
Аммо санга арзи хол килмок мушкил.

ФАРДЛАР

* * *

Эй парирӯ, бандаи зулфи паришонинг бўлай,
Эй сихи кад, садкаи сарви хирэмонинг бўлай.

* * *

Эйки сарви бўстони эътидолимсен менинг,
Ноз бирла парвариш топкон ниҳолим сен менинг.

* * *

Эй пари пайкарки, умри жовидонимсен менинг,
То тирикмен сендин айрилмонки, жонимсен менинг.

* * *

Тожи сиях эмасдур ул дилситон бошида,
Солмиш хумой соя сарви равон бошида.

* * *

Сариг никобу кизил тож бирла ул кадди зебо,
Кўрунур ўйлаки еарв узра гунчаи гули раъно.